

Хатми Қуръон дуоси

09:13 / 17.04.2023 159714

Ассалому алайкум! Азиз Қуръони Карим шайдолари! Рамазон ойи Қуръон ойи бўлгани муносабати билан ҳамма мўмин мусулмонлар Қуръони Каримни тиловат ва хатм қилиш билан машғул. Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган асарда: «Қуръон хатм қилинган чоқ ижобат бўладиган дуо бор», дейилган. Келинг азизлар қўл очиб бир дуо қилайлик!

БИСМИЛЛАҲИРРОҲМАНИРРОҲИМ!

Буюк Аллоҳ рост сўйлайди!

Аллоҳим! Барча ҳамд Сенга хос, барча шукр Сенгадир, жумлаи мулк Сенингдир!

Ибодат қилинишга бир Ўзинг ҳақлидирсан, дуо қилишга бир Ўзинг лойиқсан! Аллоҳим! Сенга Юзинг Важҳинг улуғлиги ва салтанатинг буюклигига яраша ҳамду сано бўлсин!

Эй Аллоҳ!

Эй улуғ неъматларни берувчи Раҳмон!

Эй латиф неъматларни берувчи Раҳим!

Эй барча нарсанинг эгаси Малик!

Эй барча айблардан холи, нолайиқ сифатлардан пок Қуддус!

Эй нуқсонлардан саломат, тинчлик-хотиржамлик ва роҳат берувчи Салом!

Эй иймон ва омонлик берувчи Мўмин!

Эй ҳамма нарсани қамраб олувчи Муҳаймин!

Эй барчанинг устидан ғолиб Азиз!

Эй олий қадар, улуғ Жаббор!

Эй кибриёси ва улуғлиги бениҳоя Мутакаббир!

Эй асли ва ўхшаши йўқ нарсаларни аниқ ўлчовлар ила яратгувчи Холиқ!

Эй йўқдан пайдо қилувчи, вужудга келтирувчи Бориъ!

Эй махлуқотларнинг сувратини шакллантирувчи Мусаввир!

Эй ўта кечиримли Ғаффор!

Эй барча махлуқотларни қабзасида тутиб, уларни бўйсундириб турувчи Қаҳҳор!

Эй кўплаб неъматларни беҳисоб берувчи Ваҳҳоб!

Эй кўплаб ризқ берувчи Раззоқ!

Эй Ўз раҳмат ҳазийнасини бандаларига очгувчи Фаттоҳ!

Эй ҳамма нарсани билгувчи Алим!

Эй руҳларни, қалбларни қабз қилувчи, - измида тутгувчи! Хоҳлаганининг
ризқини тор этгувчи, эй Қобиз!
Эй Руҳларни кенгликка қўйиб юборувчи! Хоҳлаганининг ризқини кенг
қилиб қўювчи! Эй Қалбларни кенг қилувчи Босит!
Эй пастлатгувчи Хофиз!
Эй баланд даражаларга кўтарувчи Рофиъ!
Эй азиз қилувчи Муъизз!
Эй залил қилувчи Музилл!
Эй барча нарсани эшитгувчи Самий!
Эй барча нарсани кўргувчи Басир!
Эй ҳукм соҳиби Ҳакам!
Эй адолат соҳиби Адл!
Эй лутф соҳиби Латиф!
Эй ҳамма нарсадан хабардор Хабир!
Эй ҳилм соҳиби Ҳалим!
Эй ақл тасаввур қила олмайдиган даражада буюк Азим!
Эй сермағфират Ғафур!
Эй оз амалга кўп савоб берувчи Шакур!
Эй бениҳоя олиймақом Алий!
Эй ҳамма нарсадан буюк Кабир!
Эй ҳар бир нарсани комил муҳофаза қилувчи Ҳафиз!
Эй барча моддий ва руҳий озуқаларни яратувчи Муқит!
Эй кифоя қилувчи, Қиёмат куни бандаларнинг ҳисобини қилувчи Ҳасиб!
Эй сифатларида улуғликка эга бўлган Жалил!
Эй сўралмас туриб, ҳеч бир эвазсиз кўплаб ато этгувчи Карим!
Эй бирор заррани қўймай кузатиб турувчи Рақиб!
Эй дуоларни ижобат қилувчи Мужиб!
Эй ҳамма нарсани кенг илми ила, барчани кенг раҳмати ила қамраб олган
Восиъ!
Эй ҳикмат соҳиби Ҳаким!
Эй барчага яхшилиқни раво кўргувчи Вадуд!
Эй шон-шарафи, қадри баланд ва чексиз Мажид!
Эй халқларга пайғамбарлар юборувчи, ўликларни қайта тирилтирувчи
Боис!
Эй ҳар бир нарсага ҳозир нозир Шаҳид!
Эй ҳақни юзага чиқарувчи Ҳақ!
Эй барчанинг иши топширилган Вакил!
Эй қувватли Қавий!
Эй матонатли Матин!

Эй дўстларига муҳаббат қўювчи, нусрат берувчи ва халқининг ишини юритувчи Валий!
Эй мақтовга сазовор Ҳамид!
Эй барча нарсанинг ҳисобини олган Муҳсий!
Эй барча нарсани аввалидан яратган Мубдиъ!
Эй йўқ бўлган нарсаларни қайтадан яратгувчи Муъид!
Эй тирилтирувчи, ҳаёт бахш этувчи Муҳий!
Эй ўлдирувчи, ўлимни яратган Мумит!
Эй абадий барҳаёт Ҳайй!
Эй ўз-ўзидан қоим бўлган ва бошқаларни қоим қилган Қайюм!
Эй истаганини топадиган Вожид!
Эй мажду шараф соҳиби Можид!
Эй зоту сифотида ягоноа Воҳид!
Эй эҳтиёжсиз ҳожатбарор Сомад!
Эй чексиз қудрат соҳиби Қодир!
Эй бениҳоя қудратли Муқтадир!
Эй олдинга сурувчи Муқаддим!
Эй охирга сурувчи Муаххир!
Эй барча нарсадан олдин бор бўлган Аввал!
Эй барча нарсадан кейин ҳам қолувчи Охир!
Эй мавжудлиги ошкор, очиқ-ойдин Зоҳир!
Эй кўзга кўринмас, ҳамма нарсадан махфий Ботин!
Эй ҳар нарсага эга Волий!
Эй ҳамма нарсадан олий Мутаъолий!
Эй улкан яхшилиқлар қилувчи Барр!
Эй тавбага йўлловчи ва тавбаларни қабул қилгувчи Таввоб!
Эй золим ва осийлардан интиқос олувчи Мунтақим!
Эй гуноҳларни кечиб юборувчи Афувв!
Эй шафқатли Рауф!
Эй борлиқ мулкнинг мутлақ соҳиби Моликул-мулк!
Эй улуғлик ва юксаклик соҳиби Зул-жалоли вал-икром!
Эй адолат ила иш кўргувчи Муқсит!
Эй барча нарсани тўпловчи Жомиъ!
Эй ҳар нарсадан беҳожат Ғаний!
Эй беҳожат қилиб қўйгувчи Муғний!
Эй ман қилгувчи Мониъ!
Эй зарарни яратгувчи Зорр!
Эй манфаатни яратгувчи Нофиъ!
Эй ўз-ўзи ила зоҳир бўлган, ўзгаларни зоҳир қилган Нур!

Эй ҳидоятга йўллагувчи Ҳодий!

Эй ўхшашсиз яратувчи ижодкор Бадиъ!

Эй боқий қолгувчи абадий Боқий!

Эй барча нарсанинг пировард соҳиби Ворис!

Эй тўғри йўлга бошловчи Рашид!

Эй сабр соҳиби Сабур!

Аллоҳим! Бизларни энг афзал Расулинг умматидан қилганингга шукр, энг буюк Китобинг аҳлидан этганингга шукр!

Ё Аллоҳ! Бизларга рўза фарз қилганинг ҳамда бизларни Рамазони шарифга етказиб ибодатингга ноил айлганинг учун Ўзингга ҳамду санолар айтамиз!

Ўзингинг мўъжиз Каломингни тиловат ва хатм қилишга бизларни муваффақ қилганингга шукрлар келтирамиз!

Аллоҳим! Бизларга Сен берган ва бераётган барча неъматлар: ошқору махфий, зоҳиру ботин, умумию хос неъматларинг учун Ўзингга шукру саноларимиз бўлсин! Неъматларинг саноғи, фазлу марҳаматинг адоғи йўқ! Нақадар буюклигинг Ўзингдан ўзгага маълум эмас, Зотингинг ҳақиқатини Ўзингдан ўзга билмас! Сенинг мақтову таърифингга ожизмиз, Сен Ўзингни Ўзинг таърифлагандексан!

Ё Аллоҳ! Қандай қилиб шукрингни адо этамизки, шукр қилишга тавфиқ берганингнинг ўзи шукрни вожиб қилувчи неъматдир!

Аллоҳим! Сени васф этишга дунё сўзлари, Сени кўришга дунё кўзлари етмас. Сифатларингни ихота этишга қалблар ожиз, Зотингга эришишга руҳлар муштоқ!

Аллоҳим! Ўзингдан ўзга илоҳ йўқ! Сен барча айбу нуқсондан покдирсан! Сенга ҳеч нима ўхшамас, Сен ҳеч нимага ўхшамассан! Бир Ўзингни севмоқ бутун борлиққа севилмоқдан афзал, Сенга чин қул бўлмоқ оламга подшоҳ бўлмоқдан олийдир!

Ё Аллоҳ! Сен Зоҳирсан, Сендан ошқор нарса йўқ, Сен Ботинсан, Сендан махфий нарса йўқ. Сен Аввалсан, Сендан қадим нарса йўқ, Сен Охирсан, Сендан сўнгра нарса йўқ!

Ё Аллоҳ! Ҳеч бир зарра илмингдан ташқари эмас, бирор нарса ҳукмингдан ўзга бўлмас! Қудратинг қошида ақллар қосир, неъматинг олдида тиллар ожиз!

Ё Аллоҳ! Бизларни энг гўзал Калом – Қуръони Карим тиловатига мушарраф қилганинг, уни хатм қилишга муваффақ этганинг учун Ўзингга ҳамду саноларимиз бўлсин!

Аллоҳим! Сарвари олам, Саййидул анам, мавжудотлар гултожи, Ўзингинг Ҳабибинг, Расулинг Муҳаммад Мустафога, у зоти бобаракотнинг аҳли байтлари, саҳобалари, тобеъинлар ва уларга эргашган мусулмонларга

салоту салом юбор, раҳматинг ва баракотингни зиёда қил!

Аллоҳим! Бизларга Каломингни ўргатган, рисолатингни етказган, ҳақ билан ботилни кўрсатган, яхшию ёмонни танитган, бизларга ўзимиздан да меҳрибон бўлган суюқлигимиз, Расулимиз Муҳаммад Мустафога дуруду салавотларингни нозил айла!

Аллоҳим! Бизларга Қуръонни ўргатган Пайғамбаримизга Қуръондаги ҳарфлар ададича, ҳар бир ҳарф учун минг мингларча салавот йўлла!

Ё Роббимиз! Ўзимизга ўзимиз зулм қилдик, бизларни Ўзинг мағфират қилмасанг, раҳм қилмасанг, зиён кўрганларлардан бўлажакмиз!

Сенга жалолингга яраша ибодат қилишдан ожизмиз, аммо Сен бизларга камолингга лойиқ марҳамат кўрсатишга қодирсан! Ё Раббий! Бизларни осийлигимизга яраша эмас, мағфиратингга лойиқ қабул эт! Бизларни қулчилигимизга қараб эмас, Робблигингга кўра мукофотла!

Ё Роббимиз! Агар бизни раҳматинг билан қарши олсанг, зиёндан хавфимиз бўлмас, амалларимизга ташлаб қўйсанг, нажотдан умидимиз қолмас!

Аллоҳим! Агар гуноҳларимиз дунёни тўлдирса, раҳмат денгизинг мавжи олдида бир хасча бўлмас, ибодатларимиз борлиқни қамраса, жаҳаннам ёнида қатра сувча келмас!

Аллоҳим! Буйруқларингни адо эта олмадик, аммо бўйин товлаб эмас, ожизлигимиздан. Ўзинг ожизларга меҳрибонсан, биздан меҳрингни дариғ тутма! Қайтариқларингдан қайта олмадик, аммо қайсарлик билан эмас, кучсизлигимиздан. Кучсизларга шафқатлисан, бизларга шафқат кўрсат!

Аллоҳим! Сен Хожамизсан, биз қулларингмиз, қул хожасидан бошқа кимга ҳам гуноҳкор бўларди, қулни хожасидан бошқа ким ҳам кечирарди?!

Аллоҳим! Биз гуноҳ қилмасак, мағфиратинг кўринармиди?! Биз гуноҳкорларга раҳм кўрсатмасанг, раҳматинг билинармиди?!

Аллоҳим! Гуноҳларимиз дуойимизни ижобатдан тўсишидан асра!

Қошингда осий бўлсак да, ижобатдан умидимиз тугалдир. Гуноҳкорнинг дуосини қабул қилмасайдинг, уни мағфират сўрашга буюрмас эдинг!

Минг йил ибодатингни қилганни қувсанг, ҳикматингдандир, юз йил осийлик қилганни ёрлақасанг, раҳматингдандир! Бутун башариятни дўзахга ташласанг, эътироз этилмас, жумла инсониятни жаннатга киритсанг, ҳайрат қилинмас! Ҳазабингга истаганингни дучор этасан, раҳматинг барча нарсани қамраб олгандир!

Аллоҳим! Раҳматинг пардаси билан айбу гуноҳларимизни яширдинг, энди мағфиратинг нури ила уларни куйдириб ташла! Гуноҳларимизнинг каттаю кичиги бор, махфию ошкораси бор, биладиганларимиз бор, билмайдиганларимиз бор, барча барчасига тавба қилдик! Тавба қилдик! Тавба қилдик! Тавбамизни қабул эт! Гуноҳларимизни кечир!

Аллоҳим! Сен Афувсан, авфни севасан, бизларни авф эт!

Эй буюк Роббимиз! Гуноҳларимизни бу дунёда юзимизга чиқарсанг, бировга юзланишга журъатимиз етмас, уларни охиратда юзимизга солсанг, бош кўтаришга ҳолимиз қолмас!

Аллоҳим! Бандангни лутф билан қарши олсанг, зарра амали уни жаннатга киритар, агар адолатингга олсанг, дунё тўла амали уни дўзахдан қутқара олмас!

Аллоҳим! Сўраганини яхши кўргувчи Ёлғиз Сенсан, Сендан сўрамагандан ғазабланасан, Сенинг ғазабингдан қочиб, муҳаббатингга ошиққанзимиздан Сендан сўрамоқдамиз, Ўзинг ижобат қил!

Аллоҳим! Сен берганини тўсувчи йўқ, Сен тўсганини берувчи йўқ! Қилган ҳукминг қайтарилмас, ҳузурингда бойга бойлиги фойда бермас!

Аллоҳим! Мулкинг чексиздир, еру осмон хазиналари илкингдадир. Бутун махлуқотнинг барча сўраганини берсанг, денгиздан игнага илашган сувча бўлмас, жумла мавжудотнинг сўраганини рад қилсанг, «нечун?» деб сўралмас!

Ё Аллоҳ! Амалларимизга қарасак, Сендан бирор нарса сўрашга уяламиз ҳижолатмиз! Аммо лутфу марҳаматингни ўйласак, сўрашдан тўхтамай олмаймиз!

Ё Аллоҳ! Сен ҳожатбарорсан, биз ҳожатмандмиз. Ҳожатманд ҳожатбарордан ўзга кимга ҳам дуо этарди?! Сен бойсан, биз фақирмиз. Фақир бойдан бошқа кимга ҳам қўл очарди?!

Ё Аллоҳ! Борлигингни тан олмаганга ҳам ҳаёт бахш этурсан, Раззоқлигингни инкор қилганга ҳам ризқ ато этурсан! Кофирни қўйиб берганинг қудратингдандир, мўминни тутганинг шафқатингдандир!

Ё Роббий! Бир бурда нон ейишимиз учун ою қуёшни, еру осмонларни бизга беминнат хизматкор қилиб қўйдинг. Раҳмат бундан улуғ бўладими?! Аммо биз бурда нон учун Сенга гуноҳ қиладиган аҳволга келдик! Осийлик бундан ортиқ бўладими?! Сенинг Еринг устида, Сенинг осмонинг остида, Сен берган неъматлар ила Сенга гуноҳкорлик қилган бу ночиз бандаларингни азобласанг, адолатингдандир! Аммо Ўз Ерингда юрган, Ўз осмонинг остида яшаётган, Ўзинг яратган бу ожиз бандаларингни мағфират қилсанг, раҳматингдандир!

Ё Аллоҳ! Сендан умидимиз шунчаларки, неъматларингга фарқ бўлган ҳолимизда, ҳеч нарсаси йўқ кишидай Сендан неъматлар сўраймиз!

Ҳузурингда ожизлигимиз шу қадарки, минг неъмат кетидан бир мусибат берсанг, паноҳингга қочиб ёлборамиз! Аллоҳим! Неъмат берганинда шукр насиб эт, мусибат берганинда сабр насиб эт!

Аллоҳим! Мўъжиз Каломингни хатм қилдик! Баҳоли қудрат ҳарма ҳарф

Ўқиб тугатдик! Энди остонангга бош уриб келдик! Гуноҳкор, қуруқ қўлларимизни даргоҳингга узатиб турибмиз! Ҳузурингда хижолат юзларимизни Ўзингга қаратиб сўраймиз! Хатокор ва ғофил қалбларимизни Ўзингга юзлантириб илтижо қиламиз! Ўзимиз ожизона хатм қилган Каломингни, Қуръони Каримни васила қиламиз! Ўзингга ва Каломингга бўлган иймонимизни, муҳаббатимизни Сенга васила қиламиз! Зотан, васила қилишга арзирли бошқа амалимиз йўқ! Ҳиммат аҳлининг буюк амалларини ҳимматлари юзидан қабул қилганингдек, биз ожизларнинг ожизликдан келтирган василамизни ожизлигимиз юзасидан қабул айла! Аллоҳим! Каломингда Ўзинг «Дуо қилинглар, ижобат қиламан», дегансан. Амрингга биноан дуо қилмоқдамиз, ваъдангга биноан ижобат айла! Аллоҳим! Ўзингдан ўзга дуо қиладиганимиз йўқ, дуойимизни агар Сен эшитмасанг, ўзга дуо қиладиганимиз йўқ! Даргоҳингдан рад қилсанг, мундин ўзга бош урар остонамиз йўқ! Қўлимизни қуруқ қайтарсанг, умид қилар эшигимиз йўқ!

Аллоҳим! Сен ҳаё ва марҳамат соҳибсан! Бандаларингнинг қўлларини қуруқ қайтармагайсан!

Ё Роббий! Ўзинг бизни кўриб турибсан, сўзларимизни эшитиб турибсан, ичу ташимизни билиб турибсан, Сенга музтарларча ёлборамиз, бечораларча Сенга илтижо қиламиз, эй музтарларнинг дуосини ижобат қилувчи Аллоҳим! Эй бечораларнинг илтижосини қабул қилувчи Аллоҳим!

Ё Аллоҳ! Сени туғмаган ва туғилмаган, тенги бўлмаган, беҳожат хожатбарор, ёлғиз Аллоҳ деб гувоҳлик берганимиз ила сўраймиз!

Ё Аллоҳ! Ўзингга бўлган муҳаббатимиз ҳаққи ҳурмати сўраймиз. Сени севмасак, Сенга илтижо қилармидик?! Ё Аллоҳ! Сенинг бизга бўлган муҳаббатинг ҳаққи ҳурмати сўраймиз! Агар севмасанг, бизни Ўзингга илтижо қилдириб қўярмидинг?!

Аллоҳим! Сенинг қулларингиз, қулларингнинг фарзандларимиз, чўриларингнинг авлодларимиз. Бизга оид чиқарган ҳукминг амалга ошажак ҳақиқатдир, ҳаққимизда қилган қароринг айни адолатдир. Сендан Ўзинг Ўзингни атаган, Китобингда нозил қилган, махлуқотларингдан бирор кишига Ўзинг ўргатган исмларинг ила, Ўз ҳузурингда ғайб илмида асраган ҳар бир гўзал исминг ила сўраймиз: Қуръони Азимни қалбимизнинг баҳори, юрагимизнинг нури қил, ғамларимизни аритувчи, ташвишларимизни кетказувчи омил айла!

Аллоҳим! Қуръони Карим ҳурматидан бизларга раҳм қил! Уни бизларга йўлбошчи, нур, ҳидоят, раҳмат ва шифо айла! Аллоҳим! Қуръони Каримдан унутганларимизни ёдимизга сол, билмаганларимизни бизларга билдир! Уни кеча кундуз тиловат қилишни насиб эт! Уни бизларнинг зараримизга

эмас, фойдамизга ҳужжат қил!

Аллоҳим! Бизларни Қуръони Карим ҳалол деган нарсаларни ҳалол билиб, ҳаром деган нарсаларни ҳаром билган, унинг муҳкам оятларига амал қилиб, муташобих оятларига иймон келтирганлардан қил!

Аллоҳим! Бизларни Қуръони Каримнинг ҳарфларини ҳам, ҳукмларини ҳам адо этадиганлардан эт, ҳарфларини адо этиб, ҳукмларини зое қиладиганлардан қилма!

Аллоҳим! Бизларга Қуръони Каримнинг ҳар бир ҳарфидан ҳаловат, ҳар бир сўзидан шарофат, ҳар бир оятидан саодат, ҳар бир сурасидан офият ва ҳар бир жузидан мукофот насиб айла!

Аллоҳим! Қуръони Каримни бизлар учун шафоатчи қил, фойдамизга ҳужжат қил! Аллоҳим! Бизларни Ўзингнинг аҳлинг ва хосларинг бўлмиш аҳли Қуръонлардан қил!

Аллоҳим! Қуръони Каримни қалбларимизга зиё, кўзларимизга нур, дардларимизга даво, гуноҳларимизни ўчирувчи, бизларни дўзахдан қутқарувчи қил!

Аллоҳим! Бизларни Қуръони Карим воситасида бахтсизликдан бахту саодатга, дўзахдан жаннатга, ғазабингдан розилигингга, ҳожатмандликдан беҳожатликка, бидъатдан суннатга, зулумотлардан нурга, залолатдан ҳидоятга, хорликдан азизликка, барча ёмонликлардан ҳамма яхшилиқларга олиб чиқ!

Аллоҳим! Қуръони Каримни бизларга дунёда ҳамнафас, қабрда ҳамдам, қиёматда шафоатчи, жаннатда ҳамроҳ, дўзахдан парда ва барча эзгуликларга етакловчи сарбон қил!

Эй Аллоҳ! Бизга розилигингни, жаннатингни ҳамда уларга олиб борадиган сўз ва амалларни насиб қил! Ғазабингдан, дўзахингдан ҳамда уларга олиб борадиган сўз ва амаллардан паноҳ бер!

Аллоҳим! Ўзинг яратган гўшту суюқдан иборат ожиз бандалармиз!

Иқобингга бардошимиз етмас, азобингга вужудимиз дош бера олмас!

Бизларни дўзахга солма! Шу қадар улуғсанки, Сенга осий бўлганга етти дўзахнинг азоби оз! Шу қадар марҳаматлисанки, бандангни раҳматингга олсанг, унга саккиз жаннат кам!

Ё Аллоҳ! Сенга қанчалар гуноҳ қилдик! Ўзингга ҳамдлар бўлсинки, ҳозир жонимиз танамизда! Жонимизни гуноҳ қилаётганимизда олмаганингга шукр! Аллоҳим! Бизларга ўлим фариштасини энг яхши ҳолатимизда, Ўзинг рози бўладиган энг афзал амалимиз узра юборгин! Жонимиз ҳалқумга келмай гуноҳдан покланиб олишимизга тавфиқ бер!

Аллоҳим! Оёқларимиз совуган, қўлларимиз музлаган, юрагимиз сўнги зарбаларини ураётган, кўзларимиз қотаётган, тилимиз тўхтаётган,

руҳимиз жисмимизни тарк этаётган маҳалда дилу тилимизга «Лаа илааҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун Росулulloҳ» калимасини жорий айла! Бизларга ўлим талвасаси фитнасидан, қабр азоби фитнасидан, охират азоби фитнасидан паноҳ бер!

Ё Аллоҳ! Тупроқ остида ёлғиз ётганимизда бизларга раҳм қил! Даҳшатидан гўдакнинг сочлари оқариб кетадиган Қиёмат куни бизларга хотиржамлик ато қил! Аршинг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда бизларга соянгдан жой бер!

Меҳрибон Роббимиз! Бизларни бу дунёдаги мушфиқ йўлбошчимиз – Расулимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатларига ноил айла! Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шафоатим умматимнинг гуноҳкорларигадир», демишлар. Биз гуноҳга ботган умматмиз! Бизларни у зотнинг шафоатларига етказ! Ҳавзи Кавсарларидан ичишни насиб эт! Гуноҳларимизни ошкор қилиб, бизларни у зотнинг олдиларида ҳижолатга қўйма!

Ё Аллоҳ! Бизга ўзимизни гуноҳдан тўсадиган даражада қўрқувингни, бизни жаннатга олиб борадиган ибодатингни, дунё мусибатларини бизга енгил қиладиган яқийнни ато қил! Ҳаётимизда Ўзинг берган кўриш, эшитиш ва бошқа қобилиятларимиздан баҳраманд қил! Бу баҳрамандликни меросхўримиз айла! Ўчимизни бизларга зулм қилганларгагина қарат! Душманларимиз устидан бизларга ғалаба бер! Динимизда мусибат берма! Бор билганимиз, бор ташвишимизни дунё қилиб қўйма! Жаннатни биз учун маскан қил! Гуноҳларимиз туфайли устимизга Сендан қўрқмайдиган, бизга раҳм қилмайдиганларни ҳукмрон қилиб қўйма!

Аллоҳим! Сендан динда, дунёю охиратда афву офият сўраймиз! Аллоҳим! Барча ишларда оқибатимизни гўзал қил, бизларни дунё хорлигию охират азобидан асра!

Аллоҳим! Қалбларимизни пок саломат, тилларимизни серзикр ва сершукр, баданларимизни ибодатингда мустаҳкам, руҳларимизни Ўзингга муштоқ қил!

Аллоҳим! Сендан фойдали илм, мақбул солиҳ амал, гўзал ахлоқ, юкасак одоб, ҳалол ва мўл ризқ, баракали умр, салоҳиятли авлод сўраймиз!

Ё Аллоҳ! Бизларга кенг феъл, кетмас давлат, зикрли тил, шукрли дил ато эт!

Аллоҳим! Ҳар бир ишда Сенга муҳтожмиз,! Ўзингдан ўзгага муҳтож қилма! Ҳар ҳолатда ёлғиз Ўзингга таваккаул қиламиз, суюнамиз, Ўзингдан бошқага ташлаб қўйма! Дунявий ва ухравий хайрли ишларимизда Ўзинг мададкоримиз бўл!

Ё Аллоҳ! Орамизда ҳожатмандлар бор, ҳожатларини раво қил! Бошига

мушкил тушган, ташвиш етганлар бор, мушкиллари осон қил,
ташвишларини арит! Беморларимиз бор, дардларига шифои комил бер!
Фарзандталабларимиз бор, қўша-қўша солиҳу солиҳа, муслиҳу муслиҳа
фарзандлар ато айла! Адашганларни ҳидоят қил! Хавф хатарга
тушганларга хотиржамлик ато қил! Қарздорларга кушойиш бер!
Мазлумларга нажот бер! Боши қотганларга нажот йўлини кўрсат!
Аллоҳим! Бутун башар бир кишига зиён еткизишга қасд қилса, Сен
битгандан бошқа бўлмас! Агар ҳамма бир кишига фойда келтиришга азм
қилса, Сен ёзгандан ўзга бўлмас!

Ё Аллоҳ! Бизларни кўз юмиб очгунча ҳам, ундан оз муддат ҳам ўз
ҳолимизга ташлаб қўйма! Ўзингдан бегона қилма! Мададкоримиз,
ҳимоячимиз, ҳидоятчимиз, кўмакчимиз, ва қўллаб қувватловчимиз бўл!
Сенсиз куч ҳам йўқ, қудрат ҳам йўқ!

Ё Аллоҳ! Иш аҳволимизнинг жилови бўлмиш диёнатимизни яхши қил!
Тирикligимиз манбаи дунёимизни яхши қил! Боражак манзилимиз
бўлмиш охиратимизни яхши қил! Тирикликни бизлар учун эзгуликни
кўпайтириш, ўлимни эса ёмонликдан қутулиш қил!

Аллоҳим! Сендан ёлвориб сўраймиз, умримизнинг сўнгги энг яхши онимиз
бўлсин, амалларимизнинг охиргиси энг афзали бўлсин, кунларимизнинг
энг яхшиси Сенга йўлиқадиган кунимиз бўлсин!

Аллоҳим! Сендан энг яхши тилак, энг яхши дуо, энг яхши муваффақият,
энг яхши илм, энг яхши амал, энг яхши савоб, энг яхши ҳаёт ва энг яхши
ўлимни сўраймиз! Ўзимизни собитқадам, тарозимизни оғир айла!

Орзуларимизни рўёбга чиқар, даражаларимизни кўтар, намозу
дуоларимизни қабул эт, хатоларимизни кечир. Сендан жаннатдан олий
мақом сўраймиз!

Ё Аллоҳ! Сендан мутавозеларнинг хокисорлигини, яқийн аҳлининг
ихлосини, яхшиларга йўлдошликни ва иймон ҳақиқатларига эришишни
сўраймиз!

Ё Аллоҳ! Сендан раҳматинг сабабларини, мағфиратинг омилларини, ҳар
бир яхшиликдан насиба олиш, ҳар қандай гуноҳдан саломат бўлиш,
жаннатни қозониш ва дўзахдан қутулишни сўраймиз.

Илоҳо! Илмимизни фойдасиз, қалбимизни қўрқувсиз, кўзимизни намсиз,
нафсимизни тўймас, амалимизни номақбул, дуойимизни беижобат қилиб
қўйма!

Ё Аллоҳ! Сендан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва солиҳ
бандаларинг сўраган яхшиликларни сўраймиз, Расулуллоҳ соллаллоҳу
алайҳи васаллам ва солиҳ бандаларинг паноҳ сўраган ёмонликлардан
паноҳ тилаймиз!

Ё Аллоҳ! Сендан тез ва кеч келадиган, биз билган ва билмаган барча яхшилиқни сўраймиз, тез ёки кеч келадиган, биз билган ва билмаган барча ёмонликдан паноҳ тилаймиз!

Ё Аллоҳ! Бизларни буйруқларинг билан машғул, адолатингдан хотиржам, Ўзингдан ўзгага умид боғламаган, ёлғиз Ўзингга суянган, Сен билан бўладиган, Сендан бошқадан қочадиган, қазою қадарингга рози, мусибатларингга сабрли, неъматларингга шукрли, зикрингдан лаззат олувчи, Китобинг билан хушнуд бўлувчи, кечаю кундуз Сенга илтижо қилувчи, ўлимга доим тайёр турувчи қилгин!

Аллоҳим! Бизларга дийдоринг шавқини ҳамда Муборак Юзингга термулиш лаззатини насиб эт!

Ё Аллоҳ! Куч қудратимиз заифлигидан, тадбирсизлигимиздан, одамлар олдида хор бўлганимиздан Ўзингга арз этамиз! Бизга ғазаб қилмаётган бўлсанг, бу ҳолатларга эътибор қилмаймиз, бироқ офиятинг биз учун кенгроқдир. Зулматларни тарқатган, боисидан дунёю охираат ишлари яхшиланган Юзинг нури ила бизларга ғазабинг тушишидан ёки норозилигинг нозил бўлишидан паноҳ тилаймиз! Ўзинг рози бўлгунингча Сендан розимиз!

Ё Аллоҳ! Ноҳақ тўкилаётган қонлардан, бева қолаётган аёллар ва етим бўлаётган гўдақларнинг аҳволидан Ўзингга арз қиламиз! Уларга раҳм қил! Муслмон ўлкаларга тинчлик осойишталик, офиятингни нозил айла! Муслмонларнинг молига, жонига ёки динига қасд қилганларга Ўзинг кифоя қил! Муслмон уммати бугун машаққатда! Уларнинг хатою гуноҳларини мағфират қил! Солиҳ амалларига баракотлар, муваффақиятлар ато эт! Уларнинг қалбларини бирлаштир! Ораларидаги ихтилоф ва келишмовчиликларни кўтар! Бир бирлари билан Ўзинг амр қилганингдек ака ука, оға-ини, биродар бўлишларини насиб айла! Ақлу ҳушига, ҳиссиётига динингни ҳакам қилиб олишларига тавфиқ бер! Уларга ҳақнинг ҳақлигини кўрсат ва унга эргашишни насиб эт, ботилнинг ботиллигини кўрсат ва ундан ҳазир бўлишларини насиб айла!

Ё Аллоҳ! Мўмину мўминаларни, муслиму муслималарни мағфират қил! Хатоларини кечир, ёмонликларини яхшилиқларга алмаштир! Уларни ички ва ташқи фитналардан, бузуқликлардан йироқ қил! Қалбларини ҳақ устида узра жамла! Нафсларини ва ахлоқларини покла! Уларни солиҳ амалларга, чинакам тақво, ҳақиқий ибодат ва олий убудиятга муваффақ қил! Уларни дунё халқлари учун гўзал намуна бўлиш билан шарафлантир! Инсоният учун етакчи, пешқадам солиҳ уммат айла!

Ё Аллоҳ! Ислом умматининг эркақларини Ўзинг ислоҳ қил! Оилаларига гўзал раҳбар бўлишларини насиб эт! Уларга ҳиммату ҳамият, ғайрату

қатъият ато қил!

Ё Аллоҳ! Ислом умматининг аёлларини Ўзинг ислоҳ қил! Уларни шарму ҳаё, иффату ва латофатдан айирма! Уларни ғайридинга тақлид қилишдан, фаҳшу фужурдан асра! Ўзингга ибодатли, эрларига итоатли, фарзандларига мураббия бўлишларини насиб эт!

Ё Аллоҳ! Ислом умматининг фарзандларини Ўзинг ислоҳ қил! Амрингга итоатли, ота оналарига марҳаматли, келажак учун ислоҳот пойдевори бўлишиларига тавфиқ бер!

Ё Аллоҳ! Ислом умматининг ишбошиларини, раҳбарлари ва пешволари, имомлари ва уламоларини ислоҳ қил! Уларни бизларга меҳрибон, бизларни уларга итоаткор айла! Уларни Ўзинг рози бўладиган ишларга муваффақ қил, эл юрт манфаати, дину диёнат равнақи сари ҳидоят қил! Уларни мол дунё, мансабу шуҳрат фитнасидан асра!

Аллоҳим! Уламоларимизни Ўз паноҳингда асра! Уларни турли фитналардан, маккорларнинг макрларидан, ҳийлагарларнинг найрангларида йироқ қил! Уларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга чин ворисликда собитқадам қил! Бутун умматга улар кўрсатган ҳақ йўлга юришни насиб айла!

Аллоҳим! Нафсларимизнинг тақвосини бер ва уларни покла. Уларни энг яхши покловчи Ўзингсан. Уларнинг эгаси ҳам, хожаси ҳам Ўзингсан!

Аллоҳим! Барча мўмину мўминаларни, хусусан бизлардан, барчамиздан ўтган ота она, хешу ақрабо ва яқинларимизни раҳмат қил! Гуноҳларини мағфират, даражаларини баланд, яхши аммалларини ўзларига ҳамроҳ, охиратларини обод айла! Каломинг Қуръони Каримни ўқиб хатм қилар эканмиз, ҳар бир калимасига берадиган ажру савобларингни кўпайтириб бер, ва бу савоблардан уларни баҳраманд қил!

Ё Аллоҳ! Ризойинг учун Рамазон рўзасини тутар эканмиз, ибодатингни тугал адо этишга тавфиқ бер! Бизларни рўзасидан очлигу ташналикдан бошқа нарсага эришмаганлардан қилма! Намозда туриб Каломингни ўқиб хатм қилар эканмиз, тоатингни мукамал бажо келтиршни насиб айла! Тунги ибодатидан уйқусизлигу толиқишдан бошқа ҳеч нимага эга бўлмаган бебаҳралардан қилиб қўйма!

Аллоҳим! Баҳоли қудрат Рамазон рўзасини тутяпмиз, Қуръони Каримни тиловат қиляпмиз, тинглаяпмиз, бизларни қиёмат куни Қуръон ва Рамазон шафоат қилишга таллашиб қоладиган ва ҳар иккисининг шафоатига ноил бўладиган бандаларингдан қил! Бизларни Райён эшигидан киргизиладиганлардан, Қуръонни тартил билан тиловат қилиб юксалиб борадиганлардан айла!

Аллоҳим! Рамазондан бизларга тақво малакаси, Ўзингга қурбат ҳосил

қилишни насиб эт! Рамазондан кейин ҳам Рамазондагидек, балки ундан да зиёда даржада ибодат ва тоатда, тавфиқу ҳидоятда бўлишни насиб айла! Ё Аллоҳ! Бизни Қадр кечасини топган, унинг фазилатларидан насиба олганлардан қил!

Ё Аллоҳ! Булар бандаларингнинг Сенга қилаётган илтижоларидир! Ижобати Ўзингдандир. Дуо қилувчиларнинг ҳолига қаралса, қабулдан умид йўқ, дуо қилинмиш Зотнинг лутфига қаралса, ижобатдан кўнгил тўқ! Илоҳо! Иблис Сенга осийлик қилган ўринда Сендан бир умр осийлик сўради, биз Сенга ибодат қилиб турган мақомимизда бир умр Сенга ибодатда ўтишни сўраймиз! Унга сўраганини бердинг, бизникини ҳам рад қилма!

Аллоҳ! Мана, Каломингни ҳарфма ҳарф ўқиб, хатм қилдик. Ушбу камтарона амалимизни васила қилиб сўраймизки, Ҳабибинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматига Ўзинг раҳм қил! Бутун оламдаги мазлум мусулмонларингга нажот бер! Уларни зулмдан адолатга, тафриқадан ҳамжиҳатликка, машаққатдан роҳатга олиб чиқ! Аллоҳим! Сен ҳидоят қилмасанг, Ўзинг бирлаштирмасанг, бу умматнинг ҳоли оғир! Сен ҳар бир нарсага қодирсан! Мусулмон бандаларингни Ўзинг ёрлақа!

Ё Роббал оламин! Ўзинг мусулмонларнинг ҳимоячисисан! Мусулмонларнинг қони ҳам диндошларининг қўли билан, ҳам ғайридинларнинг қўли билан ноҳақ тўкиляпти! Мол мулклари ҳам мусулмонларнинг қўли билан, ҳам номусулмонларнинг қўли билан топталаяпти! Золим ҳам Сенинг қулинг, мазлум ҳам Сенинг қулинг! Кофир ҳам Ўзингнинг банданг, муслим ҳам Ўзингнинг банданг! Мазлумни золимдан ғолиб қил, муслимни кофирдан устин айла! Бизларни қаттиқ имтиҳонга солма! Мусибатларимизда бизга ажр ва яхши эвазлар бер!

Илоҳо! Ўзингга иймон келтирган бандаларинг – мусулмонларга раҳм қил, мазлумларига нажот бер! Уларнинг Сендан бошқа таянчи йўқ! Гуноҳлари учун мусибат юборган бўлсанг, уларни мағфират қил, мусибатларини арит! Жаҳолат туфайли йўл топа олмаётган бўлсалар, уларга ҳидоят ва тавфиқ бер! Уларга доимо омадни ёр эт!

Роббимиз! Бизларга дунёда ҳам яхшилик бер, охиратда ҳам яхшилик бер ва бизларни дўзах азобидан сақла!

Аллоҳим! Расулимиз Муҳаммад Мустафога, аҳлу оилалари ва саҳобаларига бизнинг номимиздан салоту саломлар юбор!

Дуоларимизнинг сўнгги: Оламларнинг Робби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!

Ҳусайнхон Яҳё Абдумажид